



18738 ТА МУРОЖААТДАН 16559 ТАСИ ФУҚАРОЛАРДАН,
2120 ТАСИ ТЕРГОВ ҚИБСХОНАЛАРИ
ВА ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДАН ҚАМДА
59 ТАСИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДАН КЕЛГАН

ИСЛОҲОТЛАРДА ҚАР
БИРИМИЗНИНГ ЎРНИМИЗ
БЎЛИШИ КЕРАК



2с

ЎЗИНИ БАХТСИЗ ДЕБ БИЛГАН

2,5

ФОИЗ ФУҚАРО

ҲАЁТИ ЯХШИЛАНИШИ УЧУН

ИШЛАШИМИЗ КЕРАК!

81,4 фоиз респондентлар ўзларини
тулиқ бахтли, **13,4** фоиз
оила вакиллари эса маълум
маънода бахтли эканликларини
билдирган. Узини бахтсиз деб
ҳисобловчи респондентлар
2,5 фоизни ташкил этди.

2
МЕҲРИБОНЛИК
УЙЛАРИДАН БИРОРТА
БОЛА ФАРЗАНДЛИККА
ОЛИНМАГАН

5
ПРЕЗИДЕНТ
ТОПШИРИҚЛАРИ ҚАНДАЙ
БАЖАРИЛМОҚДА?

Бу йўналишда қонун
бузилиши ҳолатларига
йўл қўйган 670 нафар
мансабдор шахсларга
нисбатан ҳайфсан, 27
нафарига интизомий
жарима қўлланилди,
29 нафари эса эгаллаб
турган лавозимидан озод
қилинди...



7
БОБУРНИ СЕВИБ ҚОЛГАН
ҲИНД ҚИЗИ ҚАНДАЙ
ҲАЛОК БЎЛГАН?

Бу воқеадан ғоят
таъсирланган Бобур
қандай бўлмасин, бу
фидойи қизнинг ҳаётини
сақлаб қолишни буюрди.
Афсуски, бунинг иложи
бўлмади. Ҳинд гўзали
Бобурнинг қўлларига жон
берди.

8
ПАБЛО ПИКАССОНING
12 ТА АСАРИ
Пабло Пикассодан мерос
қолган 2880 та асарнинг
12 та асл нусхаси
Ўзбекистонда сақланади.
Хўш, Пикассо меросининг
бебаҳолиги нимада,
бундай ноёб асарлар
Ўзбекистонга қандай
келиб қолган?

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ТАЯНЧИ

3с



Ўзбекистонда
чорвачилик
соҳаси ва унинг
тармоқларини
ривожлантириш
бўйича 2022-
2026 йилларга
мўлжалланган
дастур, 2022 йилда
бу борада амалга
ошириш бўйича
«Йўл харитаси»
тасдиқланди.

3

МИНГ ТОННА ГҲШТ ИМПОРТ ҚИЛИНГАНИ

27,6

НИМАНИ
АНГЛАТАДИ?



Энди тарихга
беписандлик

КЕЧИРИЛМАЙДИ

4с

Ёшлар парламенти
фаолиятига қандай
баҳо берилди? 4с

КОНФУЦИЙДАН

9

САБОҚ



ҚОРА ИЛЛАТ

Ўки олти йилдан буюн «қопток»жа айлантирилган тадбиркор
муаммоси нега Фарғонада ҳал этилмаётгани ҳусусида

6с

МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИДАН БИРОРТА БОЛА ФАРЗАНДЛИККА ОЛИНМАГАН

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) 2021 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи эшитилди.



Маълумки, бугунги кунда Омбудсманга «инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси» сифатида қаралади. Дастлаб швед киролининг таъини билан Омбудсман 1809 йилдан бошлаб парламентга кўчади. Шу ўринда швед кироли аслида ушбу таъини ислом давлатларида фаолият юритган мухтасиблардан ўрганганини таъкидлаш жоиз. Маълумки, мухтасиблар ислом дини ва шарият аҳкомлари асосида фаолият юритиб, назорат функциясини бажарганлар.

Қайд этилишича, Амир Темур даврида ҳам топшириқларни ўз вақтида бажармаганлар ҳақида ахборот берувчи шахслар бўлган. Фуқаролар мурожаатлари билан ишламаган шундай кишилар эса шахсан Сохибқирон томонидан жазоланган. Бу эса Амир Темур бобомизнинг инсон ҳуқуқлари бўзилишига йўл қўйганларга нисбатан ўта қатъий бўлганини кўрсатади.

Ушбу институт 1995 йилда МДҲда биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда таъсис этилганини ҳам айтиш жоиз. Олий Мажлиснинг 1997 йил 24 апрелда бўлиб ўтган сессиясида «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги Қонун қабул

қилиниб, унга кўра, Вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган тарзда амалга ошириши кўрсатилган эди.

Омбудсман Феруза Эшматованинг маълум қилишича, 2021 йили Вакил номига жами 18738 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 16559 таси фуқаролардан, 2120 таси тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларидан, 59 таси эса хорижий давлатлардан.

Вакиллик томонидан жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш ҳамда ижро интизоми талабларини бузган, масъулиятсизликка йўл қўйган 82 нафар ходимга «ҳайфсан», 9 нафарга «жарима» чораси қўлланилган бўлса, 8 нафар ходим вазифасидан озод қилинган. Умуман, Омбудсманнинг ўтган йилда таъсир чораларини қўллаши ва уларнинг самарадорлиги 2020 йилга нисбатан 2,4 баробарга ошган.

Фракция аъзоси Жаҳонгир Абдурасулов ўтган йили Омбудсманга 2020 йилга нисбатан 4000 та кўп мурожаат тушгани ва бунга мансабдорларнинг масъулиятсизлиги

сабаб бўлгани, мазмунида савол берди.

– Мурожаатларнинг кўплиги бу фуқароларимизнинг ўз ҳуқуқини таниётгани билан боғлиқ, – деди Феруза Эшматова.

Фракция аъзоси Мухтабар Хусанова эса кейинги йилларда меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларни оилаларга бериш кўпайгани ва бунда Болалар омбудсманининг иштироки ҳамда оилалардаги болаларнинг ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилинаётгани билан қизиқди.

Болалар омбудсмани Алия Юнусова бу саволга жавоб қайтарар экан, Оила кодексининг 150-моддасига кўра, ота-оналар қарамоғидан узилган болалар меҳрибонлик уйларига эмас, оилаларга васийлик, ҳомийлик ва фарзандликка берилиши кераклигини таъкидлади. Аммо бунга шу пайтгача эътибор қаратилмай болалар меҳрибонлик уйларига жойлаштирилаверган. Болалар омбудсмани айтиш шундай масалани бир неча бор кўтарди. Аввало, ота-онаси бор бўлиб, Мурувват уйларига берилган болаларнинг ота-оналари, яқинлари билан суҳбатлар ўтказилиб, уларни ўз оиласига қайтариш чоралари кўрилди.

2021

йили Вакил номига жами 18738 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 16559 таси фуқаролардан, 2120 таси тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларидан, 59 таси эса хорижий давлатлардан.

Аммо сўнгги кунларда болаларни оилаларга ҳеч қандай қарорсиз бериш ҳолатлари кўпайганини таъкидлаш жоиз. Аммо болаларни олаётган ота-оналар бунга тайёр ёки тайёр эмаслиги, шарт-шароитлари ўрганилмагани ачинарли ҳолат, албатта. Айти пайтда Болалар омбудсмани бу иш билан ҳам шуғулланяпти.

– Яқинда бир таниқли тadbиркорнинг тўққиз нафар болани фарзандликка олгани ҳақида хабарлар тарқалди. Шунга қизиқиб, ҳокимиятдан бу ҳақдаги қарорни ўргандим. У болаларни фарзандликка эмас, ҳомийлик ва васийликка олган экан. Биз эса 9 нафар бола фарзандликка олинди, дея жар солдик. Бухорода ҳам худди шундай ҳолат юз берди. Болаларни фарзандликка олиш жуда узоқ ва машаққатли жараёндир. Илгари мамлакатимизда 17 та Меҳрибонлик уйлари фаолият юритган бўлса, ҳозир 8 та қолди. Биз бу масалани бежиз ўрганмадик. Маълум бўлишича, юртимизда биронта бола фарзандликка олинмаган, – дейди Болалар омбудсмани Алия Юнусова.

Депутатлар Омбудсман

фаолияти билан батафсил танишиб, унинг самарадорлигини янада ошириш бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирдилар ва бу бўйича ўз таклифларини беришиб, Вакилликнинг 2021 йилдаги фаолиятини ижобий баҳоладилар.

Йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бугун уй-жой муносабатлари қонунчилик ҳужжатлари орқали тартибга солинмоқда. Аммо шунга қарамай янги Кодексда улар етарлича тартибга солинмаган. Янги таҳрирдаги кодекс билан биноларни турар жой сифатида таснифлаш, уй-жой фондини ҳисобга олиш, бу борада давлат назорати, хусусий уй-жой фондининг турар жойларидан фойдаланиши ҳамда мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нормалари билан тартибга солинади.

Йиғилишда кун тартибига киритилган бошқа қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Асқар СУЛТОНОВ
тайёрлади.



Микрофот муборак!

Мана икки йилдирки, коронавирус билан боғлиқ пандемик вазият аҳоли саломатлигини сақлашга ҳар қачонгидан катта эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатмоқда. Депутатлар ҳам бу борада фидокорона хизмат қилиб, барчага ўрнатилган кўрсаткичларга қарши фидокорона кураш учун» медали билан тақдирланди.

Улар орасида партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Отабек Жиянбаев ҳам бор.

Партиядошимизни ушбу эътироф билан табриқлаб, келгусидаги ишларига омад тилаймиз!

Ислоҳотларда ҳар биримизнинг ўрнимиз бўлиши керак

3 февраль кuni Давлатимиз раҳбарининг «Халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши эълон қилинди.

Ушбу муҳим ҳужжатда халқ таълими тизимини ривожлантириш, соҳага доир янги инновацион ташаббусларни илгари суриш ва уларни қўллаб-қувватлаш, таълим ва тарбия сифатига бевосита таъсир қилиши мумкин бўлган масалаларни тубдан ҳал этиш, маҳаллий ижро органлари билан масъул вазирлик ва идораларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, фармойишда халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича миллий кенгаш ташкил этишга қарор қилиниб, унинг асосий вазифалари сифатида миллий таълим тизимини йўлга қўйиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини

қувватлишини таъминлаш, самарали меҳнат фаолияти учун муносиб шароитлар яратиш бугун ҳақиқатан ҳам энг долзарб вазифалардан бўлиб турибди. Умумий ўрта таълим муассасалари бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, жорий ва мукамал таъмирлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш, мазкур ишларда замонавий технологиялар ва энергия тежамкор материаллар қўлланилишини таъминлаш ҳам устозлар учун қўлай шароитлар яратишга хизмат қилади. Шунингдек, Миллий кенгаш халқ таълими соҳасидаги ишларнинг аҳолини тизимли таҳлил ва мониторинг қилиш, масъул вазирлик, идора ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг бу борадаги ишлари бўйича ҳисоботларини эшитиш, шу асосда уларни рағбатлантириш ёки жавобгарликка тортиш бўйича ҳам чоралар кўради. Соҳада давлат дастурларини ишлаб чиқиш, амалга оширишни ташкиллаштириш, бу борадаги қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштирилади. Фармойишда белгиланган вазифалар «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Сайловолди дастуридаги устувор вазифалар билан ҳамоҳанг эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Шунинг учун ҳам Янги Ўзбекистон тараққиётида миллий урф-одат, ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятлар асосида ёшларни тарбиялашнинг самарали педагогик шакл ва методларини ишлаб



Васила ФАЙЗИЕВА,
«Миллий тикланиш» демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари, халқ депутатлари Яшнобод тумани Кенгаши депутати, Ўзбекистон давлат санъат музейи директори

Янги Ўзбекистон тараққиётида миллий урф-одат, ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятлар асосида ёшларни тарбиялашнинг самарали педагогик шакл ва методларини ишлаб чиқишда зиммамизга жуда катта вазифалар юклатилганини ҳис эътиборимиз.

замон талаблари асосида такомиллаштириш ҳамда уларнинг янги авлодини яратиш вазифалари белгилаб қўйилди. Шунингдек, янги тузилма зиммасига ўқув дастурларини илғор хорижий таъриба асосида оптималлаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш ҳам юклатилди. Уқитувчи касбининг мақоми ва обрўсини кўтариш, уларнинг моддий ва ижтимоий қўллаб-

чиқишда зиммамизга жуда катта вазифалар юклатилганини ҳис эътиборимиз. Албатта, ушбу вазифалар биз депутатлар, шу билан бирга музейшунос мутахассислар олдида ҳам катта вазифалар қўяди. Биз Янги Ўзбекистон тараққиётининг энг масъулиятли палласида миллий урф-одатларимизни ёшлар онгига синдиришимиз, уларни ватанпарварлик туйғуси ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашда бошқаларга ўрнатилган лозим бўлади.

ОБУНА - 2022! «Миллий тикланиш» газетасига ОБУНА ДАВОМ ЭТИМОҚДА! Обуна индекси 158

Энди тарихга беписандлик



угунга қадар ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон моддий маданий мероси рўйхатига Ичан қалъа, Бухоро ва Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий қисмлари, Самарқанд – цивилизациялар чорраҳаси объектлари, Умумжаҳон номоддий маданий мероси рўйхатига эса Бойсун маданий муҳити, Шашмақом, Катта ашула, Аския – ақлидрок санъати, Наврўз, Палов тайёрлаш маданияти ва урф-одати, Марғилон ҳунармандчилиги ривожлантириш маркази, атлас ва адрас матоларини тўқишнинг анъанавий технологияси, Хоразм лазгиси ва бахшичилик санъати киритилган.

Ўтган ойда яна бир тарихий воқеа юз берди. Яъни, Тошкент маҳаллалари ЮНЕСКО Умумжаҳон маданий меросининг дастлабки рўйхатига киритилди.

Шу муносабат билан Масс-медиа фонди Васийлик кенгаши раиси ўринбосари Саида Мирзиёева ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали ЮНЕСКО мутасаддиларига миннатдорлик билдирар экан, Тошкент маҳаллаларида ҳеч қандай

лик воқеа. Зеро, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тарақиёт стратегиясининг «Инсон кадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида ҳам ўзбек халқининг миллий кадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш, кенг оммалаштириш ҳамда ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида номоддий мада-

йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан маданий мерос объектлари муҳофазасини таъминлашда давлат бошқаруви тубдан ислоҳ қилинди. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти Туризм ва спорт вазирлиги ҳузурида Маданий мерос агентлиги шаклида қайта ташкил этилиб, унинг аниқ ваколат ва вазифалари белгилаб қўйилди.

Шу кунгача ушбу агентлик томонидан маданий мерос объектларининг инвентаризация қилиниб, уларнинг рўйхати шакллантирилди. Бугунги кунда республика миқёсида **8210 та маданий мерос объекти давлат муҳофазасига олинган бўлиб, улардан 4778 таси археология ёдгорлиги, 2267 таси архитектура, 625 таси монументал санъат ёдгорликлари ва 530 таси диққатга сазовор масканлар.**

қурилишларга рухсат берилмаслиги, маҳаллаларни асраб-авайлаш учун ушбу йўналишда илмий реставрация ишлари давом эттирилишини маълум қилди.

Кураб-авайлаш учун ушбу йўналишда илмий реставрация ишлари давом эттирилишини маълум қилди. Ҳақиқатан, эътирофга мо-

ний мерос элементларини ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тегишли рўйхатларига киритишга эришиш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Қайд этиш жоизки, кейинги

7832 таси давлат мулки, **378** таси эса хусусий мулк мақомига эга.



ўтказиш белгиланган. Шунингдек, мазкур ҳолатларда дастлабки тергов ўтказишни прокуратура органларига юклаш, Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлигининг ижро этиш мажбурий бўлган кўрсатма ва тақдимномаларини белгиланган муддатларда тўлиқ бажармагалик учун жавобгарликни белгилаш назарда тутилган.

Қонун билан Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган.

Ушбу қонун юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева ўз фикрини билдириб, маданий меросни муҳофаза қилиш фақат Маданий мерос агентлиги ваколатидаги вазифа эмаслиги, бунга бутун жамоатчилик эътиборини қаратиш лозимлигини таъкидлади.

– Умуман олганда, маданий мерос объектлари бу моддий меросимиз бўладими, тарихий обидалар бўладими, бу фақатгина туризм объекти эмас, биринчи навбатда, бу халқимизнинг бойлиги ҳисобланади – деди Т.Норбоева. – Уларда миллий тарихи, маданияти, керак бўлса, халқимиз хотиралари акс этган. Юқорида айтилган масалалар жуда ўринли, сўнги йилларда бу масалаларга эътибор жудаям сусайиб кетган эди. Уларни таъмирлаш, тиклаш ишлари маданий мерос қиймати ва кадрини тўшунмайди-ган шахсларга топширилган. «Қош қўяман деб, кўз чиқарган», тарихни йўқ қилиб юборган ҳолатлар ҳам бўлган.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши ёшларимизда маданий меросга нисбатан ҳурмат ҳиссини кучайтиради. Маданий меросимизни билмаслик, биринчи навбатда, билимсизлик, илмсизлик ҳисобланади. Бу йўналишда тарбия-ташвиқот ишларини кучайтириш ва халқимизга унинг аҳамиятини ўтказиш бўйича ишларни кучайтиришимиз, одамларда тарихимизни асраш бўйича масъулиятни оширишимиз керак. Бу йўналишда барча идоралар жон куйдириши керак, бу битта, иккита идоранинг иши билан бўлмайди. Шу сабабли мазкур қонун лойиҳаси жудаям аҳамиятли, деб ҳисоблайман – дея қўшимча қилди Сенат раиси.

Қонун билан тарихий объектларга кўп миқдорда зарар етказганликни ифодаловчи қилмишлар учун 5 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Қонуннинг маъқулланиши мамлакатимиздаги моддий маданий мерос объектларини, Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган объектлар ва ҳудудларни муҳофаза қилишда, уларнинг ноёблигини сақлаб қолишда, келажақ авлодга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Дониёр ТОШБОЕВ,
партия Марказий кенгаши бўлим бошлиғи

Парламентда

Ёшлар парламенти фаолиятига қандай баҳо берилди?



Маълумотларга кўра, дунё парламентлари таркибида ёшлар 2 фоизни ташкил этар экан. Ўзбекистонда эса 2019 йилдаги сайловлардан кейин 30 ёшгача бўлган парламент аъзолари 6 фоизни ташкил этган. Парламентда ёшлар ўрнининг ортиб бораётгани қувонарли ҳол.

Зеро, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2020 йилдан бошлаб парламент палаталарида Ёшлар парламенти фаолияти йўлга қўйилди.

Парламент қуйи палатасининг мажлисида Ёшлар парламенти раиси Шаҳноза Жолдасованинг Ёшлар парламентининг 2021 йилда амалга оширилган ишлари тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида ёшлар билан ишлаш соҳасида амалга оширилган ишларнинг самарадорлигини таъминлаш, қонун ижодкорлиги фаолиятига ёшларни кенг жалб қилиш, қонунларда ёшлар манфаатларини акс эттириш, ҳудудлардаги ёшлар овозини ҳам парламентда эшитишни янги босқичга кўтариш каби устувор вазифаларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Ёшлар парламенти томонидан 2021 йилда Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳаси юзасидан 87 та таклиф тайёрланган бўлиб, улардан 27 таси қонун лойиҳаларини такомиллаштириш жараёнида инобатга олинди. Шунингдек, ўтган даврда қабул қилинган

қонунларнинг мазмун-моҳияти, ёшларнинг парламент фаолияти ва қонун ижодкорлигининг барча босқичларидан хабардорлигини ошириш масалаларига бағишланган 98 та ўқув-семинар ва конференциялар ташкил этилди. 124 та ўрганишлар амалга оширилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси билан ҳамкорликда бир неча вазирлик ва идораларнинг ахборотлари тингланди.

Ҳисобот даврида Ёшлар парламенти томонидан халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга, хусусан, хорижий мамлакатлар ёшлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Ёшлар парламенти аъзоси О.Шавкатов Қозғоғистон Республикасининг Туркистон шаҳрида ташкил этилган «Туркистон – турк дунёси бешиги» халқаро ёшлар саммитида, Х.Акрамов Омск вилоятида илк маротаба ташкил қилинган «Россия ва Марказий Осиё» ёшлар форумида фаол иштирок этди.

Мажлисида Ёшлар парламенти фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари сурилиб, берилган ахборот маълумот учун қабул қилинди.

Муҳтарама КОМИЛОВА, ЎЗА

ТАДҚИҚОТ



Тадқиқотга жалб этилган ҳар тўрт кишининг 3 таси, аниқроғи 76,1 фоизи оиласиз ҳаётни умуман тасаввур қила олмаслигини қайд этган бўлса, 18,9 фоиз ҳали турмуш қурмаган шахслар бу борада бирор бир фикр билдиришга қийналган.

Ўзини бахтсиз деб билган

2,5

ФОИЗ РЕСПОНДЕНТЛАРНИНГ ҲАЁТИ ЯХШИЛАНИШИ УЧУН ИШЛАШИМИЗ КЕРАК!



«Маҳалла ва оила» илмий тадқиқот маркази ўтказган навбатдаги сўровномада респондентларнинг 51,2 фоизи ажрим улар ҳаётини мураккаблаштирганини билдирдилар.

«Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти директори Нодира Эгамбердиеванинг таъкидлашича, ушбу тадқиқот натижасида яна бир бор ўзбек оилалари учун ўздан кейин авлод қолдириш оилавий ҳаётнинг асосий мақсади экани маълум бўлди.

Тадқиқотга жалб этилган ҳар тўрт кишининг 3 таси, аниқроғи 76,1 фоизи оиласиз ҳаётни тасаввур қила олмаслигини қайд этган бўлса, 18,9 фоиз ҳали турмуш қурмаган шахслар бу борада бирор бир фикр билдиришга қийналган. 5,5 фоиз респондентларда эса бефарқлик кузатилган. Қайд этиш жоизки, ўтказилган тадқиқотда асосан эр ёки хотин томонидан амалга оширилаётган девиант хатти-ҳаракатлар оилавий ажримларга сабаб бўлиши мумкин бўладиган асосий ҳолат экани ҳам маълум бўлди.

Таҳлиллар оилада турмуш ўртоғига нисбатан ўзаро самимийлик ва яқинликка асосланган қараш кўпроқ аҳамият касб этаётганлигини ҳам кўрсатди. Респондентларнинг қарийб учдан бири, яъни 32 фоизи ўз турмуш ўртоқларини биринчи навбатда сеvimли ёр, 29,1 фоизи эса оила боқувчиси, таянчи, 10 фоизга яқини энг яқин маслаҳатдўзи сифатида билишини маълум қилган. Шу билан бирга, тадқиқот натижасида 27,5 фоиз респондентлар учун турмуш ўртоғи фақатгина фарзандлар учун ота ёки она вазифасини бажариши маълум бўлди. Тадқиқот натижалари оиланинг аҳоли учун муқаддас институт сифатида ўз ўрнини сақлаб қолаётганлигини ҳам намойён этди.

21,2 фоиз респондентлар хиёнат, 19,7 фоизи ўзи ва фарзандларига нисбатан тазйиқ ва ўзвонлиқнинг қўлланилиши, 19,7 фоиз респондент эса турмуш ўртоғининг гиёҳвандга айланиб қолиши оилаларнинг ажралиб кетишига сабаб бўлишини билдирган. Энг аҳамиятлиси, 15,2 фоиз респондентлар ҳар қандай вазиятда ҳам ўз оилаларини сақлаб қолишга ҳаракат қилишларини баён қилган. Шу билан бирга, яқин қариндошларига нисбатан қўпол ва ҳурматсиз муносабатда бўлиш (6,9 фоиз), турмуш ўртоғининг руҳий носогломлиги (6,6 фоиз), муттасил ичкиликка ружу қўйиши (5,7 фоиз) ҳам оилавий ажримлар учун асос бўлиши мумкинлиги қайд этилган.

Натижалар таҳлили оилалар учун ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш, ишонч бахтли оиланинг асосий индикаторлари эканини кўрсатди ва респондентлар томонидан қайд этилган 3 та параметрнинг умумий йиғиндис 53 фоизни ташкил этди. Бундан ташқари, тадқиқотга жалб этилган кишилар томонидан оилавий бахтнинг энг муҳим атрибутлари сифатида севги-муҳаббат (10,6 фоиз), садоқат-вафодорлик (10,1 фоиз) ва фарзандли бўлиш (10,1 фоиз) ҳам кўпроқ улушга эга бўлди.

Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда аксарият оилалар ўзларини бахтли оила сифатида тасаввур қилишларини намойён этди. Жумладан, бу борада 81,4 фоиз респондентлар ўзларини тўлиқ бахтли, 13,4 фоиз оила вакиллари эса маълум маънода бахтли эканликларини билдирган. Ўзини бахтсиз деб ҳисобловчи респондентлар эса 2,5 фоизни ташкил этган.

Тадқиқотда иштирок этганларнинг 35,6 фоизи оилани, 17,2 фоизи эътиқодни, 16,4 фоизи соғлиқни, 13,7 фоизи эса

21,2 фоиз респондентлар хиёнат, 19,7 фоизи ўзи ва фарзандларига нисбатан тазйиқ ва ўзвонлиқ қўлланилиши, 19,7 фоиз респондент эса турмуш ўртоғининг гиёҳвандга айланиб қолиши оилаларни ажралишга сабаб бўлишини билдирди.

руҳий хотиржамликни асосий қадрият, деб ҳисоблашгани маълум бўлди. Шунингдек, олинган натижалар хотин-қизларнинг жамиятда фаолаштирилиши ижтимоий зарурият деб ҳисоблаётганларини ҳам кўрсатди.

Шу билан бирга сўров натижаларига кўра, 73,3 фоиз респондентлар хотин-қизларнинг ишлашини нормал ҳолат деб ҳисоблашган. 19 фоиз кишилар эса аёлнинг ишлаш-ишламаслигини унинг турмуш ўртоғи белгилаб бериши лозимлигини таъкидлашган. Шунингдек, 7,4 фоиз иштирокчилар аёлнинг уй-рўзгор ишлари, фарзанд тарбияси ва кексаларга гамхўрлик қилиши, ўзининг анъанавий вазифасини бажариши керак, деган фикрда экани аниқланган. Тадқиқот натижалари оилавий ажримлар кўпчилиқда pushaymonlik ҳиссини уйғотганини ҳам кўрсатди.

Натижалар таҳлили 43 фоиз кишилар диний эътиқодни, 40,9 фоиз респондентлар эса бахтли оила қуриш ва фарзандлар камolini қуриш ва вақтинчи мақсад деб ҳисоблашларини намойён этди.


Масалан, оиласидан ажралган респондентларнинг 51,2 фоизи ажрим улар ҳаётини салбий томонга мураккаблаш-

тирганини тан олди. Умуман олганда, қарийб 60 фоизга яқин ажралганлар ажримдан у ёки бу тарзда афсусда эканликларини билдиришган. Шу билан бирга, 31,7 фоиз ажрашган оила вакиллари учун ажрим турли стресс ҳолатларини ва касалликларни келтириб чиқарган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аксарият оила вакиллари айна пайтда болалар таълим-тарбиясига етарли вақт ажрата олмаслик (29,6 фоиз), уй-жой масаласи (20,8 фоиз), муносиб иш топиш (9,2 фоиз), оила ҳаётига учинчи томоннинг аралашуви (13,7 фоиз) сингари муаммолар кўпроқ ташвишга солаётгани маълум бўлди. Ўтказилган тадқиқотлар натижаси қадриятлар тизими борасида ҳам инсонлар учун оила энг муҳим қадрият сифатида қайд этилиши, ижтимоий тармоқларда эр ёки хотиннинг оилавий ҳаётида тулган ўрнига нисбатан нотўғри қараш ва асоссиз талқинлар пайдо бўлаётгани маълум бўлди.

Юқоридаги натижалар асосида жамиятимизда оила муқаддас институт сифатида ўз ўрнини сақлаб қолаётганини айтиш мумкин. Мамлакат аҳолисининг ўзини қай даражада бахтли ҳис қилиши ва қадриятлар тизими эса бевоқиф аҳолининг муносабатлар ва унинг муаммоларида ўз аксини топади.

ЎЗА мухбири Муҳайё Тошқораеванинг ёзишича, тадқиқот давомида аниқланган ижтимоий-иқтисодий, психологик ҳаракатдаги муаммолар ва жамиятда содир бўлаётган айрим ўзгаришлар, жумладан, эркак ва аёлларнинг социал роллари ва вазифалари борасидаги фикрлар ҳамда шунга алоқадор айрим жиҳатлар оила, унинг ривожланиши ва муаммоларини илмий жиҳатдан доимий равишда тадқиқ этиш лозимлигини кўрсатмоқда.



Назорат


Президент топшириқлари қандай бажарилмоқда?

Бу йўналишда қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйган

670 нафар мансабдор шахсга нисбатан ҳайфсан,

27 нафарига интизомий жарима қўлланилди,

29 нафари эса эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди...



Қайси соҳада ўзгаришга зарурат сезилса, аввало, шу соҳага оид меъёрлар тақомиллаштирилиб, тегишли ҳужжатлар қабул қилинади.

Аммо шу билан ўша соҳа ўзгариб ёки ривожланиб кетмайди. Асосий гап ҳужжатнинг ижросида.

Шунинг учун ҳам Президент ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини назорат қилишнинг янги формати – "Ijro.gov.uz" тизими фаолияти йўлга қўйилди.

Мазкур тизим қандай ишламоқда? Бу ҳақда Адлия вазирлиги масъул ходими Мурод Исмаилов сўзлаб берди.

– Адлия вазирлиги "Ijro.gov.uz" тизимини юритиш билан чекланиб қолмай, қуйи бўғиндаги тизимлари орқали топшириқлар ижросини назорат қилишни йўлга қўйди. Жойига чиқиб ўрта ва қуйи бўғинларда ишларнинг реал

ҳолати, муаммоларнинг асл сабаблари ўрганилмоқда. Шу ўринда 2021 йил давомида мингдан ортиқ топшириқлар жойига чиқиб ўрганилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Биргина мисол, Давлат раҳбари бошчилигида 2021 йил 3 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида уй-жойга муҳтож оилаларни аниқлаб, уларни ижара талаблари асосида уй-жойларга кўчириш ҳамда компенсация маблағлари тўлаб бериш топшириғи берилган.

Ушбу топшириқ ижроси жойига чиқиб мониторинг қилинганида адлия органлари томонидан топшириқ бажарилмаганлиги аниқланди. Ўрганиш натижаси ўлароқ, тегишли ташкилотларга 93 та зорат қилишни йўлга қўйди. Шунингдек, адлия органларининг фаол кўмаги на-

тижасида республика бўйича жами 2 минг 84 та уй-жойга муҳтож оиланинг ижара талаблари асосида уй-жойларга кўчирилиши, уларга 3 миллиард 216 миллион сўм компенсация маблағлари тўлаб берилиши ҳамда 732 та оилага бепул уй-жой ажратилиши таъминланди.

2021 йил давомида вазирлик томонидан 95 мингдан ортиқ топшириқлар ижроси натижалари қўриб чиқилиб, 40 минг 71 топшириқ ижроси бажарилганлиги сабабли назоратдан олинди. 39 минг 398 топшириқ ижроси тўлиқ таъминланмаганлиги сабабли қайта ишлашга юборилди.

Топшириқ ва кўрсатмалар сонини мақбуллаштириш ҳамда ижро натижадорлигини таъминлаш мақсадида республика бўйича 100 дан ортиқ доимий назоратдаги топшириқ ва кўрсатмалар

республика – вилоят – туман кесимида таҳлил қилинди.

Топшириқларни ижросидаги ўз вақтида етказиш, мазмун-моҳиятини тушунириш, тўлиқ ва натижалар ижро этилишини ташкил этишга доир ҳуқуқий-усlubий қўлланма тайёрланиб, 169 та давлат органлари ва ташкилотларига тарқатилди.

Шунингдек, Ҳисоб палатаси билан ҳамкорликда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли амалга оширилишини таъминлаш юзасидан соҳалар, ҳудудлар ва идоралар кесимида манзилли ва тематик таҳлилий ўрганишларни ташкил қилиш ва жойлардаги ҳолат мониторингини юритиш амалиёти йўлга қўйилди.

Ушбу вазифани тўлақонли бажариш мақсадида бугунга қадар вазирлик томони-

дан 8 та вазирлик ва идораларда манзилли ва тематик ўрганишлар ўтказилди.

Мазкур ўрганишлар жараёнида 230 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қамраб олинди, 61 мингдан ортиқ камчилик ва қонун бузилиши ҳолатлари аниқланди, юқоридаги вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий тузилмаларига жами 737 та таъсир чоралари киритилди.

Натижада қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйган 670 нафар мансабдор шахсга нисбатан ҳайфсан, 27 нафарига интизомий жарима қўлланилди, 29 нафари эса эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Ижро этилган топшириқлардан аҳолининг қониқчи даражаси ва жамоатчиликни қийнаётган масалаларни аниқлаш, топшириқлар иж-

росини таъминлашда йўл қўйилган камчиликларни тезкор равишда бартараф этиш ҳамда фуқаролар билан қайта алоқани ўрнатиш мақсадида "ijronazorati" Telegram боти фаолияти йўлга қўйилди.

Натижада, 2021 йил давомида бот орқали фуқаролардан келиб тушган 2 минг 254 та хабар тегишли масъулларга етказилди ҳамда ижроси устидан назорат ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ва Фармонларида белгиланган вазифаларнинг тўлақонли ҳамда сифатли ижро этилишини таъминлаш мақсадида илгор хорижий тажриба асосида қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА

